



MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ILMIY MAKTABI

DEMOGRAPHY

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

scientific electronic journal

2023 yil, 3-son

Volume 4, Issue 3, 2023



MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI



LABORECONOMICS.UZ

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

№ 3-2023

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ
КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro‘yxatga olingan.

Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi,
49 uy

Elektron manzil: ilmiymaktab@gmail.com

Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz

Bog‘lanish uchun telefonlar:

+998998818698

TOSHKENT-2023

Tahririyat Kengashi raisi:

(Chairman of the Editorial Board)

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a'zolari:

(Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.
Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d., prof.
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d., prof.
Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.f.d., (PhD), dots.
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a'zolari:

(Community Council members)

Bred Bodenzauzen (AQSh)
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)
Keynz Miller (AQSh)
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)
Masato Xivatari (Yaponiya)
Gerxard Feldmayer (Germaniya)
Eko Shri Margianti (Indoneziya)
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)
Rohana Ngah (Malayziya)
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)
Teguh Dartanto (Indoneziya)
Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)
Muhammed Xoliq (Pokiston)
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief): G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin): Musayev Xurshid Sharifjonovich

MUNDARIJA (CONTENTS)

	INSON RESURLARINI BOSHQARISH	
S.B.G'oyipnazarov	<i>Mahalliy davlat hokimiyati organlarida inson resurslarini boshqarishning xalqaro tajribasi</i>	5-21
O.T.Astanakulov	<i>Davlat xizmatida xodimlar faoliyati samadorligini baholash</i>	22-35
M.A.Qayumova	<i>Oliy ta'lim muassasalarida professor-o'qituvchilar motivatsiyasining muammolari va uning tahlili</i>	36-45
	MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI	
Z.D.Adilova	<i>Turistik xizmatlar bozorida bandlikni tartibga solish va boshqaruv mexanizmlarining zamonaviy usullari ...</i>	46-56
X.F.To'xtayeva		
M.M.Mirzakarimova	<i>O'zbekistonda mehnat bozori muammolari</i>	57-68
Sh.O.Olimjonova		
S.A.Otaqo'ziyeva	<i>O'zbekiston mehnat bozorida raqamli texnologiyalar mutaxassislariga talab va taklifni baholovchi mezonlar tizimi</i>	69-80
F.A.Doniyorova	<i>Aholi bandligini ta'minlashning yo'nalishlari (O'zbekiston Respublikasi misolida)</i>	81-88
	DEMOGRAFIYA	
R.I.Nurimbetov	<i>O'zbekistonning ayrim demografik masalalari va aholi bandligini manfaatdorlik indeksi asosida baholash</i>	89-101
A.M.Ismailov		
D.A.Abduxoliqova	<i>O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy xavfsizligini ta'minlashdagi demografik siyosati</i>	102-113
O.A.Nasretdinova		
	INSON KAPITALI	
S.E.Xolmuratov	<i>Пути совершенствования образовательной системы Республики Узбекистан путем применения «финского чуда»</i>	114-126
J.S.Xolmuratov		
N.B.Ulug'muradova	<i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitali rivojlanishini boshqarishni tashkiliy-iqtisodiy qo'llab-quvvatlash.....</i>	127-135
	TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH	
X.Sh.Kaxramonov	<i>Исследование факторов, воздействующих на эффективное управление жилищным фондом города</i>	136-146
D.A.Ishanxo'jayeva	<i>Модель государственно-частного партнерства в сфере туризма</i>	147-163
	MUNOSIB MEHNAT	
F.O'Masharipov	<i>Professional ta'lim muassasalari bitiruvchilari bandligini raqamli texnologiyalar asosida monitoring qilish istiqbollari.....</i>	164-175



МЕХНАТ ИҚТИСОДИЙОТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ

<https://laboreconomics.uz/>



ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТ БОЗОРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МУТАХАССИСЛАРИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ БАҲОЛОВЧИ МЕЗОНЛАР ТИЗИМИ

Отақўзиева Сурайё Алишеровна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асосари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

мустақил тадқиқотчиси

e-mail: osa@bk.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a24

Аннотация. Меҳнат бозорини тизимли ривожлантириш ва тартибга солишнинг самарали усулларида бири бу – меҳнат ресурсларига талаб ва таклифни ифода этувчи мезонларни тизимли таҳлил этиш ҳисобланади. Замонавий иқтисодиётнинг драйвери бўлган рақамлаштириш шароитида эса меҳнат бозори ҳар тарафлама трансформацияларга юз тутиб, энг бирламчи чақириқлардан бири глобал, миллий меҳнат бозорлари учун сифатли ва рақобатбардош рақамли технологиялар мутахассисларини тайёрлаш ҳисобланади. Ушбу мақолада Ўзбекистон меҳнат бозорида рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига талаб ва таклифни баҳолаш имкониятини берувчи бир қатор мезонлар муаллифлик ёндашувига кўра ишлаб чиқилди.

Таянч сўзлар: рақамли иқтисодиёт, меҳнат бозори, рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига талаб ва таклиф.

СИСТЕМА ОЦЕНКИ КРИТЕРИЙ СПРОСА И ПРЕДЛОЖЕНИЯ СПЕЦИАЛИСТОВ ПО ЦИФРОВЫМ ТЕХНОЛОГИЯМ НА РЫНКЕ ТРУДА УЗБЕКИСТАНА

Отақўзиева Сурайё Алишеровна

Независимый исследователь исследовательского центра

«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»

Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. Одним из эффективных методов развития и регулирования рынка труда является системный анализ критериев, дающих возможность оценить спрос и предложение на рынке труда. В процессе цифровизации рынок труда претерпевает трансформации по всем направлениям и одной из его важнейших задач является подготовка высококвалифицированных специалистов в области цифровых технологий для глобального и национального рынков труда. Данная статья посвящена авторскому подходу к разработке критериев оценки спроса и предложения специалистов в области цифровых технологий на рынке труда Узбекистана.

Ключевые слова: цифровая экономика, рынок труда, спрос и предложение на специалисты цифровых технологий.

SYSTEM OF ASSESSMENT CRITERIA FOR DEMAND AND SUPPLY OF DIGITAL TECHNOLOGY SPECIALISTS IN THE LABOR MARKET OF UZBEKISTAN

Otakuzieva Surayyo Alisherovna

Independent researcher of Tashkent State University of Economics
Scientific Research Center "Scientific Basis and Problems of Development
of the Economy of Uzbekistan"

Abstract. One of the effective methods for developing and regulating the labor market is a systematic analysis of criteria assessing supply and demand in the labor market. In the process of digitalization, the labor market is undergoing transformations in all directions and one of the most important tasks is to train highly qualified specialists in the field of digital technologies for the global and national labor markets. The article is devoted to the author’s approach to developing criteria for assessing the demand and supply of specialists in the field of digital technologies in the labor market of Uzbekistan.

Keywords: digital economy, labor market, supply and demand for digital technology specialists

Кириш

Асримизнинг илк йилларидан бошлаб ривожланиб келаётган “билимлар иқтисодиёти”, “ахборотлашган иқтисодиёт”, “инновацион иқтисодиёт”, “рақамли иқтисодиёт” ва шу каби ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичларининг юзага келиши рақамли технологиялар, ҳамда Интернет глобал тармоғининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланишида инсон потенциалининг шаклланиши, ҳамда инсон капиталининг тўпланиши муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, рақамли иқтисодиёт шароитида барча ижтимоий-иқтисодий тармоқларнинг рақамлашув жараёни кузатилиб, бу ўз навбатида илғор рақамли кўникмаларга эга – рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига бўлган талабни кучайтиради. Табиийки, ушбу жараён рақамли иқтисодиётнинг муҳим сегменти ҳисобланган – рақамли технологиялар мутахассислари меҳнат бозорининг шаклланиши, ҳамда ривожланишини кўзда тутади.

Тадқиқотимизнинг предмети рақамли технологиялар мутахассисларига талаб ва таклифи ташкил этиб, мақоланинг асосий вазифаси миллий меҳнат бозорида ушбу мутахассисларга бўлган талаб ва таклифни баҳоловчи мезонлар тизимини муаллифлик ёндашувига кўра ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Меҳнат бозори амал қилишининг асосий механизмларидан бири – бу унинг муҳим таркибий қисмларидан бўлган меҳнат бозори конъюнктураси, яъни иш кучига талаб ва иш кучининг таклифи ҳисобланади. Ушбу механизм меҳнат бозорларининг таснифланган турларидан қатъий назар барча кўринишларида амал қилади.

Олимларнинг тадқиқотларида меҳнат бозорининг ҳудудий мезонлари, рақобат белгиси, меҳнат муносабатларининг ривожланиш даражаси, касблар ва меҳнат фаолиятининг турлари, ҳамда ёш ва жинслар бўйича таснифлари келтирилган (Абдурахмонов, 2019; Рофе, 2016). Бинобарин, *рақамли технологиялар мутахассислари меҳнат бозори* – меҳнат фаолиятининг турлари бўйича таснифланган меҳнат бозори кўринишига киради.

Умуман олганда, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг ҳар қандай етакчи тармоғи (саноати)ни ривожлантириш концепцияси меҳнат бозоридаги ўзгаришлар омиллари ҳақида тушунча беради. Меҳнат бозорига тармоқли ёндашув деганда, ихтисослашган мутахассисларга бўлган талабни, ҳамда меҳнат бозоридаги ушбу ўзгарувчан эҳтиёжни ва унинг малака даражасига қўйиладиган талабларга мувофиқлаштириш мақсадида маълум бир тармоқдаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва прогнозлаш тушунилади.

Рақамли иқтисодиёт тараққиётининг асосий йўналишларидан бири бўлган рақамли технологиялар мутахассисларига бўлган талаб ва таклифни мувофиқлаштириш масалалари хорижлик олимлардан D.Ticol, G.Cattaneo, M.Kolding, R.Lifonti, W.Bartlett, J.Roodt, P.Doucek, M.Didero ларнинг, МДХ мамлакатларидан Т.А.Агаев, М.Г.Мамедова, З.Г.Джабраилова, В.М.Гаськов, М.А.Махмудов, Ф.Р.Мамедзаделарнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг ишлари ҳам бу муаммони ўрганишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, академиклар Қ.Х.Абдурахмонов ва С.С.Ғуломов рақамли иқтисодиётнинг турли жиҳатларини, жумладан рақамли дунёда меҳнат бозори ва инсон капиталининг ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этганлар.

Ўрганилган адабиётлар таҳлили натижаларига кўра, меҳнат бозоридаги “талаб ва таклиф мувозанати” тушунчаси ҳар хил турдаги касбий кўникмалар танқислиги ва номутаносиблигини қамраб олади. Ҳар қандай соҳа мутахассисларига бўлган талаб ва таклифни мувофиқлаштиришнинг моҳиятини касбий кўникмаларга бўлган талабни мувофиқлаштириш ва уларни ривожлантиришга қаратилган механизмлар, усуллар, воситалар ва стратегиялар ишлаб чиқишни ташкил этади. Яъни, бунда таълим муассасаларида шакллантириладиган касбий малакаларнинг меҳнат бозорида талаб қилинадиган касбий малакаларга мослаштиришни таъминлаш тушунилади (ЕФО, 2016; Ключня ва Зенькова, 2009).

Тадқиқот методологияси

Мақолада мантиқий, қиёсий ва тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш, гуруҳлаштириш, таснифлаш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирда рақамли технологиялар соҳаси шиддат билан ривожланаётган соҳалардан ҳисобланиб, ушбу тенденция меҳнат бозорининг янги сегменти – рақамли технологиялар мутахассислари меҳнат бозорининг ривожланишига сабаб бўлади. Бинобарин, қуйида рақамли технологиялар мутахассислари меҳнат бозори ривожланишининг бир қанча хусусиятларини келтиришимиз мумкин:

1. Рақамли технологиялар соҳасидаги турли масалаларни ечиш имконини берувчи янги рақамли ва инновацион технологиялар, ҳамда янги дастурий платформаларнинг тизимли равишда яралиши, ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларга жуда тез равишда кириб келиши соҳа мутахассисларидан рақамли билим ва кўникмаларини тез ва мослашувчан равишда янгилашларини талаб этади. Бу ҳолат ўз навбатида, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди;

2. Рақамлаштириш шароитида рақамли технологиялар деярли барча соҳаларга: давлат ва нодавлат; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш; йирик ва кичик корхоналарнинг ташкилий ҳамда меҳнат жараёнларига жорий этилиб, соҳа мутахассисларининг хизмати эндиликда, фақатгина рақамли технологиялар соҳаси учунгина эмас, балки барча ижтимоий-иқтисодий йўналишларда талаб этилмоқда;

3. Меҳнат бозорида замонавий рақамли технологиялар мутахассисларига талабнинг ўзига хос яна бир жиҳати шундан иборатки, улар информатика ва дастурлаш йўналишлари билан бир қаторда хизмат кўрсатаётган соҳалар (бизнес, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, солиқ, божхона ва б.) доирасига оид билимларга ҳам қандайдир даражада эга бўлишлари талаб этилмоқда. Бунда, рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларидан касбий ва нокасбий билим ва кўникмаларини оптимал бошқариш кўникмаси ҳам талаб этилади;

4. Рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларидан креатив фикрлаш; рақамли мослашувчанлик; турли миллий ва хорижий платформаларда фаолият юритиш учун чет тилларини эгаллаш, ҳамда муаммоли масалаларни энг мақбул (оптимал) равишда ҳал этиш қобилиятлари (soft skills) талаб этилмоқда;

5. Шиддали тарзда ривожланиб келаётган рақамлаштириш шароитида рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига талабнинг ошиши ва натижада ушбу соҳада иш ҳақининг юқорилиги бошқа соҳа мутахассислари (касбий фаолият тури бошқа мутахассислар)ни ҳам жалб қилиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги номутаносиблик, мутахассисларнинг ўз малакаларига мос келадиган ишни ва иш берувчиларнинг ўз талабларига мос ишчи кучини топа олмаганлари натижасида юзага келади.

Фикримизча, рақамли технологиялар мутахассислари меҳнат бозорини тизимли ривожлантириш ва тартибга солишнинг самарали усулларида бири бу – ушбу соҳа меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни ифода этувчи мезонларни тизимли таҳлил этиш ҳисобланади. Бизнинг ёндашувга кўра, *меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига талаб ва таклифни баҳоловчи мезонлар* деб, ушбу соҳа меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни ифода этувчи хусусиятлар, кўрсаткичлар, ҳамда ўзаро таъсирга эга омиллар йиғиндиси тушунилади.

Шу сабабли, меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига талаб ва таклифни баҳоловчи мезонларни алоҳида таснифлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва қуйида биз томондан ишлаб чиқилган бир неча таърифларни келтириб ўтамиз.

Меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига талаб деганда, ҳудудий ва даврий мезонларга кўра рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларининг муайян миқдорига талаб тушунилади.

Меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларининг таклифи эса, меҳнат бозорида рақамли технологиялар соҳаси мутахассислигига даъвогар шахсларнинг иш жойига жойлашиш ёки иш жойини алмаштириш учун маълум шартлар (иш ҳақи, иш шароитлари) учун ўз интеллектуал капиталини таклиф қилишга тайёрлиги тушунилади.


Меҳнат бозорида рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига *ҳудудий мезонга* кўра: халқаро, миллий, минтақавий, маҳаллий ва корхонадаги талаб ва таклиф ажратилади.

Даврий мезонга кўра: жорий, ретроспектив, қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли даврларда рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига бўлган талаб ва таклиф тушунилади. Бунда рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига *жорий талаб ва таклиф* деганда, аниқ бир вақт (ой, йил, чорак)да кузатиладиган талаб ва таклиф; *ретроспектив талаб ва таклиф* деганда эса, рақамли технологиялар соҳаси меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг олдинги йиллардаги даражаси тушунилиб, бу ўз навбатида рақамли технологиялар соҳаси меҳнат бозори ривожланиш динамикасини кузатиш имконини беради.

Меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига талаб ва таклифнинг истиқболда ривожланишини эса, соҳа мутахассисларига *жорий талаб ва таклифи* ҳолатининг турли омиллар таъсирида ўзгаришини ҳисобга олиб, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврларга ажратишимиз мумкин (1-расм).

Меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига талаб ва таклиф шаклланишида фан-техника тараққиёти, макроиқтисодий омиллар ва тенденциялар, ҳамда давлат томонидан рақамли

технологиялар соҳасида олиб борилаётган сиёсат асосий таъсир этувчи омиллар ҳисобланади (2-расм).



1-расм. Меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига талаб ва таклифнинг худудий ва даврий мезонларга кўра таснифланиши¹⁴

Меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига талаб ва таклиф шаклланишида фан-техника тараққиёти, макроиқтисодий омиллар ва тенденциялар, ҳамда давлат томонидан рақамли технологиялар соҳасида олиб борилаётган сиёсат асосий таъсир этувчи омиллар ҳисобланади (2-расм).

Бу омилларга, ўз навбатида, глобаллашув ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёнлари ҳамда меҳнат бозоридаги кескин рақобат, рақамли технологиялар соҳасида билим ва кўникмаларнинг тез эскириб, янгиланишига сабабчи бўлаётган узлуксиз ва тез ўзгараётган технологиялар таъсир этмоқда. Ушбу омиллар ташқи омиллар сифатида рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига бўлган талаб ва таклифни аниқлайди ва бўш иш ўринлари сонига таъсир қилади. Асосий ички омил бўлиб, рақамли

¹⁴ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

технологиялар соҳаси мутахассисларини тайёрлайдиган таълим муассасалари ва ўқув курсларида шаклланган кўникмалар тизими ҳисобланади.



2-расм. Мехнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига бўлган талаб ва тақлифга таъсир этувчи омиллар¹⁵

Мехнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига бўлган талабни алоҳида таҳлил этадиган бўлсак, ушбу соҳа мутахассисларига талабни тавсифловчи асосий кўрсаткичлар миқдорий ва сифат кўрсаткичларга бўлинади (3-расм). Миқдорий жиҳатдан рақамли технологиялар мутахассисларига талаб унинг қондирилиш даражасига кўра: ҳақиқий (реал) талаб, жорий (вақтнинг маълум бир нуқтасидаги) талаб, қондирилган талаб, қондирилмаган талаб ва ялпи талабга таснифланади.

Мехнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига ҳақиқий (реал) талабга мавжуд бўш иш ўринлари (онлайн ва оффлайн вакансиялар) ҳамда иш берувчиларнинг ходимлари ишидан қониқмаслиги натижасида бошқа ходим излашлари ҳам киради (Sukayri, 2016). Мехнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига бўлган реал талаб муҳим мезон ҳисобланиб, у миллий (минтақавий, маҳаллий) иқтисодиётнинг соҳа мутахассисларига бўлган жорий, ҳамда пайдо бўлаётган потенциал эҳтиёжларини тавсифлайди.

¹⁵ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

Иш билан таъминланган рақамли технологиялар мутахассисларининг миқдор кўрсаткичи қондирилган талабни ифодалайди, бу эса ўз навбатида ўтган даврнинг соҳа мутахассисларига бўлган талаб ва таклифининг миқдорий ва сифат жиҳатлари мутаносиблиги даражасини акс эттиради. Меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига қондирилган талаб даражасининг ошишига корхоналар, давлатнинг бандликка кўмаклашиш марказлари, ҳамда нодавлат онлайн ва оффлайн рекрутмент агентликларининг роли аҳамиятли ҳисобланади.

Меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига қондирилмаган талабни соҳа мутахассислари учун эълон қилинган бўш иш вакансиялари намоён қилади. Меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига қондирилган ва қондирилмаган талаб биргаликда мамлакатдаги рақамли технологиялар мутахассисларига ялпи талабни ифода этади.

Ўрганилган адабиётлар таҳлили натижасида меҳнат бозоридаги рақамли технологиялар мутахассисларига бўлган талабни баҳоловчи сифат мезонларига қуйидаги 3 та мустақил, лекин ўзаро чамбарчас боғлиқ кўрсаткичларни киритдик:


1. Рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларининг профессионал тайёргарлиги, яъни рақамли технологиялар соҳасидаги мутахассислик йўналиши бўйича таълим даражаси;

2. Рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларининг малакавий тайёргарлиги, яъни ўрта махсус таълимга эга, олий таълимга эга, олий таълимдан кейинги таълим даражасига эга рақамли технологиялар мутахассислари ва ҳ.к.;

3. Рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларининг кўникмалари даражаси – меҳнат бозоридаги турли профессионал ва шахсий сифатлар тўплами.


Меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларининг ялпи таклифи: қониқарли ва жорий таклиф (мос равишда, иш билан банд бўлган ва ишсиз IT-мутахассислари)дан ташкил топган бўлиб, унга мамлакатдаги жорий демографик ҳолат ва рақамли технологиялар соҳасининг ривожланиш кўрсаткичлари каби омиллар тўғридан-тўғри таъсир этади.

Меҳнат бозорида рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларининг таклифи даражаси ҳам кўплаб омилларга боғлиқ. Қуйида Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассислари ялпи таклиф динамикасини белгиловчи кўрсаткичлар таснифи муаллифлик ёндашувига мувофиқ ишлаб чиқилди (4-расм).



3-расм. Мехнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларига талабни баҳоловчи мезонлар тизими¹⁶

¹⁶ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



4-расм. Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида рақамли технологиялар мутахассисларининг ялпи таклифни баҳоловчи мезонлар тизими¹⁷

¹⁷ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Меҳнат бозорига кирувчи рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига илк “қадам” босаётган IT-мутахассислар (рақамли технологиялар соҳасида ўрта махсус, олий таълим (бакалавр, магистратура), олий таълимдан кейинги таълим (PhD, DcS) касб таълим битирувчилари)ни, рақамли технологиялар соҳаси йўналишлари бўйича ўзини-ўзи банд қилувчи шахсларни, IT-иммигрантлар ва ушбу соҳадаги ишсиз мутахассисларни киритдик. Ўз навбатида, меҳнат бозоридан чиқувчи рақамли технологиялар мутахассисларига касбий фаолият соҳасини ўзгартирган соҳа мутахассисларини, меҳнат бозорини турли сабабларга кўра вақтинча тарк этган IT-мутахассисларни, IT-эммигрантлар ва ҳ.кларни киритдик. Ушбу гуруҳлар рақамли технологиялар соҳаси меҳнат бозоридаги таклиф таркибидан чиқариб ташланиши мақсадга мувофиқдир.

Хориж тадқиқотчиларининг кўплаб илмий ишланмаларини ўрганиш натижасида рақамли технологиялар мутахассислари меҳнат бозорига хос халқаро амалиётда ҳам тасдиқланган шундай хусусият маълум бўлдики, меҳнат бозорига кириб келаётган рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларини аниқлаш услубиёти маълум бўлсада, аммо меҳнат бозоридан чиқиб кетувчи рақамли технологиялар соҳаси мутахассислари сонини аниқлаш мушкул масала ҳисобланади (Cedefop, 2009; Roodt ва Paterson, 2008; Ticol, 2012).

Ҳозирги кунда меҳнат бозоридан чиқиб кетувчи рақамли технологиялар соҳаси мутахассислар ҳақидаги маълумотларни Европа давлатларидан фақат Нидерландия ва Ирландияда тадқиқ этилмоқда. Нидерландиянинг Маастрихт университети қошидаги “Таълим ва меҳнат бозори тадқиқот маркази” ва Ирландиянинг малакали ишчи кучига бўлган талабни прогнозлаш бўйича эксперт гуруҳи томонидан шахсий ноёб идентификатордан фойдаланган ҳолда рақамли технологиялар соҳаси касб йўналиши битирувчиларининг келажақдаги фаолиятини кузатиб бориш ишлари йўлга қўйилган (ROA; EGFSN).

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат бозорида вақтинчалик рақамли технологиялар соҳасини тарк этувчи мутахассисларни ҳамда IT-эммиграцияни қайд этиш жараёни мушкул ҳисобланади. Шунинг учун, амалда рақамли технологиялар мутахассислари меҳнат бозоридан чиқиш оқимини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичлар сони эътиборга олинмайди ёки ушбу гуруҳларнинг миқдор кўрсаткичинини аниқлаш учун эксперт баҳолаш услубиётидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида муаллифлик ёндашувига кўра ишлаб чиқилган рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларига бўлган талаб ва таклифни баҳоловчи мезонлар тизими республикамизда рақамли технологиялар соҳасида шаклланаётган инсон потенциалини баҳолаш имконини беради. Фикримизча, ушбу мезонлар тизимига асосланган, миллий

меҳнат бозорида рақамли технологиялар соҳасида шаклланаётган инсон потенциалидан унумли ва самарали фойдаланиш имконини берувчи рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳамда ушбу базани модуль сифатида электрон жорий этиш масалаласини жорий этиш ҳам ушбу йўналишда самарали натижаларни беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдураҳмонов Қ.Х., 2019. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Тошкент. Б. 590.
2. Рофе А.И., 2016. Рынок труда. Учебник. Кнорус. С.272
3. Прогнозирование и сбалансирование спроса на профессиональные умения и их предложения в странах – партнерах ЕФО. Документ с изложением позиции ЕФО, 2016.
4. Ключня В.Л., Зенькова И.В., 2009. Сбалансированность рынка труда в Республике Беларусь: методологические и методические основы обеспечения. Новополоцк. С.215.
5. Sukayri Mr. Rajab, 2016. Succession Planning in the United Nations System Organizations Report. Geneva. Электрон манба: <https://www.unjiu.org/ru/>
6. Cedefop, 2009. Skill mismatch Identifying priorities for future research, Thessaloniki.
7. Roodt J., Paterson A, 2008. ICT skills in the labour market: An occupational-level analysis focusing on computer professionals and associate professionals, 1996-2005. Research Commissioned by Department of Labour South Africa. P.68.
8. Ticol D, 2012. Labour supply/demand dynamics of Canada’s information and communications technology (ICT) sector. Final Report, Nordicity. P.30.
9. Research Centre for Education and Labour Market of the Maastricht University (ROA). Электрон манба: <https://maastrichtuniversity.nl/research-centre-lab-market>
10. Publications Expert Group on Future Skills Needs (EGFSN). Электрон манба: <http://skillsireland.ie/Publications/>



Tashkent state university of economics



+998 99 881 86 98



Tashkent, Uzbekistan



ilmiymaktab@gmail.com



www.laboreconomics.uz